

китоб қилиш ва амалда қўллаш усуллари яратилиши лозим.

Салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлиги қуйидаги даражаларда аниқланиши мақсадга мувофиқ:

- мамлакат миллий иқтисодийнинг таркибий қисмларидан бири сифатида тармоқ даражасида (макродаража);
- алоҳида минтақа даражасида;
- туристик корхона (ташкilot) ёки туристик объект даражасида (микродаража).

Бизнингча, тарихий-маданий объектларнинг салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда унга таъсир этувчи бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим.

Тарихий-маданий туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагиларни қўшиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, туристик корхоналар салоҳиятини (кадрлар салоҳияти, молиявий салоҳият, техник салоҳият), меҳмонхоналар ва уларнинг ўринлар сонини, тарихий-маданий объектларнинг фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган қисмларини (фаол ва нофаол), тарихий-маданий ресурсларнинг аниқланганлик ва аниқланмаганлик даражаларини, тарихий-маданий ёдгорликлар ҳолатини (тикланадиган ва тикланмайдиган) каби омилларни инобатга олиш лозим бўлади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://www.unwto.org/>
2. Зорин И.В., Квартальнов В.А. Туризм: Монография. – М.: Советский спорт, 2001. – 288 с.
3. Черненко В.А. Развитие культурно-познавательного туризма в Северо-Западном федеральном округе Российской Федерации / В.А. Черненко, Т.Ю. Колпащикова. – СПб. : Изд-во СПбГУСЭ, 2012. – 210 с.
4. Красная С.А. Культурный туризм (просветительская сущность и факторы развития): Автореф. дис. канд. культурологии. – М., 2006. 26 с.
5. Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика и управление туристской деятельностью. – М.: «Экономика», 2011. – С. 135.
6. Лелина Е.И. Историко-культурный туризм в современном образовательном пространстве./ Е.И.Лелина, А.А.Тереханова //Альманах современной науки и образования, 2016. – №7. – С.56-63.
7. Халява О.А. Социокультурные и правовые основания развития культурного туризма. /О.А.Халява// Гуманитарные ведомости ТГПУ им.Л.Н.Толстого, 2015. – №1. – С.120-132.
8. Колотова Е.В. Рекреационное ресурсоуправление: Учебное пособие для студентов, обучающихся по специальности "Менеджмент". – М., 1999. – С.92-93.
9. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев. Иқтисодий назарияси. Т.: "Меҳнат" нашриёти 1995 й., 526-б., А.Ўлмасов, А.Ваҳобов. Иқтисодий назарияси. Т.: "Иқтисод ва молия" нашриёти 2014 й., 424-б., Муҳаммедов М.М. ва бошқалар. Иқтисодий назарияси. Т.: "Фан ва технология" нашриёти, 2018 й., 272-б., Жўраев Т., Тожибоева Д. Иқтисодий назарияси. Ўқув қўлланма. Т.: "Шарқ", 2015 й., 396-б.
10. Пардаев М.Қ., Холиқулов А.Н., Раҳимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжалиқларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография.-Т.: "Иқтисодий", 2013 й., 212-б.
11. Пардаев М.Қ., Астанакулов О.Т. Функционал қиймат таҳлили такомиллаштириш йўллари. Монография.-Т.: "Фан ва технология", 2013 й., 248- бет. 169-б. Раҳимов А.А. "Йўловчи ташиш хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари".// Монография.-Т.: "Наврўз" нашриёти ДУК, 2012 й.



**ТУРИЗМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА “ТУРИЗМ” ВА “ЭКОТУРИЗМ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ**

**Махмудова Азиза Пирмаматовна - Самарқанд иқтисодий ва сервис институти, “Туризм” кафедраси доценти**

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss5/a60](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a60)

**Аннотация.** Мамлакатимизда туризм самарадорлигини оширишда “туризм” ва “экотуризм” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти туризм самарадорлиги қўрсаткичлари асосида ёритилган.

**Калит сўзлар:** Туризм, экотуризм, самарадорлик, туристик ресурслар, мултипликатив самарадорлик, туристик-рекреацион хизматлар, юмшоқ туризм, яшил туризм.

**СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЙ «ТУРИЗМ» И «ЭКОТУРИЗМ» В ПОВЫШЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТУРИЗМА**

**Махмудова Азиза Пирмаматовна - Доцент кафедры «Туризма» Самаркандского института экономики и сервиса**

**Аннотация.** В целях повышения эффективности туризма в нашей стране поясняется социально-экономическая сущность понятий «туризм» и «экотуризм» на основе показателей эффективности туризма.

**Ключевые слова:** Туризм, экотуризм, эффективность, туристические ресурсы, мультипликативная эффективность, туристско-рекреационные услуги, мягкий туризм, зеленый туризм.

## SOCIO-ECONOMIC ESSENCE OF THE CONCEPTS OF "TOURISM" AND "ECOTOURISM" IN IMPROVING THE EFFICIENCY OF TOURISM

**Makhmudova Aziza Pirmamatovna -**  
Samarkand Institute of Economics and Service,  
Associate Professor of the Department of Tourism

**Annotation.** In order to increase the efficiency of tourism in our country, the socio-economic essence of the concepts of "tourism" and "ecotourism" is explained on the basis of indicators of tourism efficiency.

**Keywords:** Tourism, ecotourism, efficiency, tourist resources, multiplicative efficiency, tourist and recreational services, soft tourism, green tourism

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёдаги мамлакатлар орасида катта туристик имкониятларга эга бўлиб, бу соҳада юқори даражадаги рақобатга бардош бера оладиган ҳамда туризмни янада ривожлантириш учун потенциал имкониятларга эга бўлган мамлакатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Туризмни ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан самарали, яъни, уни ташкил этиш арзонга тушади ҳамда юқори фойда беради, натижада, соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар тез вақт ичида ўзини қоплаб, фойда беради. Шунингдек, халқаро рақобат авж олган туризм бозорида Ўзбекистон экотуризмни ривожлантириш ва унинг самардорлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда иқтисодийнинг туризм соҳасидан олинadиган самардорликни баҳолаш муаммоси кам ўрганилган бўлиб, деярли аниқ усуллар ишлаб чиқилмаган. Иқтисодийта самардорлик кенг маънода жамият ривожланишининг сифатли томонини тавсифлаб, охириги натижа қандай ресурслар уйғунлиги ёрдамида олинганлигини кўрсатади. Умуман олганда, самардорлик фаолият жараёнида олинган натижанинг (самаранинг) ушбу натижага эришиши билан боғлиқ харажатлар билан таққосланиши орқали ифодаланади.

**Адабиётлар таҳлили.** Хорижий олимларнинг илмий ишларида[2] туристик-рекреацион хизматларнинг иқтисодий самардорлигини баҳолашга бўлган ёндашувлардан бири сифатида ушбу хизматлардан фойдаланиш имконияти учун турли туристлар қанча миқдорда пул тўлай олиши мумкинлигини аниқлаш таклиф қилинмоқда.

Биз томонимиздан таклиф қилинган баҳолаш ёки "тўлашга хоҳишнинг борлиги" кўрсаткичи бу тўлашга рози бўлган максимал миқдордаги пул маблағи ҳисобланади. Олинган туристик хизматлар учун "тўлашга хоҳишнинг борлиги"ни аниқлаш учун ижобий ёки салбий жавоб талаб қиладиган саволларни қамраб олувчи интервью усули қўлланилиши керак бўлади, кейинги босқичда жавоб берувчиларнинг нархлар кўтарилиши ва тушишига бўлган муносабати аниқланади.

Таклиф этилаётган баҳолаш сифатида "тўлашга хоҳишнинг борлиги"ни аниқлаш усули аҳолига таклиф этилаётган экотуризм хизматларига ўрнатилган нархларни асослашда, шунингдек ҳудудда туристик-рекреацион хизматларни ривожлантириш самардорлигини аниқлаш усулидан бири сифатида фойдаланиш мумкин. Ўз навбатида, илмий асосланган нархлар минтақа туристик-рекреацион ресурслардан фойдаланишда иқтисодий бошқаришнинг самарали механизми сифатида хизмат қилиши мумкин.

Туризмнинг минтақа иқтисодиётига бевосита таъсири бу туристлар харажатлари ҳажмидан уларни товарлар ва хизматлар билан таъминлаш учун зарур бўлган импорт ҳажмини чегириб ташлаш билан белгиланади. Туристларнинг пул тўловлари бевосита келиб тушган корхоналар ҳам ўз навбатида маҳаллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг товар ва хизматларини харид қилиш заруратига тўғри келади. Масалан, меҳмонхоналар, қурувчилар, коммунал хўжаликлар, банклар, суғурта компаниялари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари хизматларидан фойдаланадилар. Шундай қилиб, туристларнинг пул харажат қилиши-нинг кетма-кет босқичларига таянган иқтисодий самардорлик билвосита таъсир бўлиб ҳисобланади. Аммо, бу туристларнинг бевосита таъсири вақтидаги барча харажатларини қамраб олмайди, чунки пулларнинг бир қисми импорт ва солиққа тортиш орқали айланишдан чиқиб кетади.

Туристик-рекреацион ҳудудда туристлар томонидан бевосита ва билвосита харажатлар қилинганда маҳаллий аҳолида иш ҳақи, ижара пули ва бошқа шаклидаги даромадлар йиғилиб боради. Ушбу қўшимча даромадни маҳаллий аҳоли маҳаллий товарлар ва хизматлар хариди учун сарфлаши мумкин, натижада иқтисодий фаолликнинг янги айланма ҳаракати вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонунида туризм тушунчасига қуйидаги тарзда таъриф берилган: "Жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидagi (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган

ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”[1].

Кўпгина тадқиқотчилар томонидан туризм – рекреациянинг бир шакли сифатида талқин қилинмоқда. Туризм – мураккаб, кўп ўлчамли ва кўп кўринишли тушунча бўлиб, “бир вақтнинг ўзида ҳам фаолият тури, ҳам рекреация шакли, ҳам миллий иқтисодиёт тармоғи, ҳам кўнгил очиш усули, бундан ташқари санъат, илм ва бизнес ҳамдир[3].

Россия табиий фанлар Академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қ.Х.Абдурахмонов “Менеджмент туризма” ўқув қўлланмасида туризм тушунчаси бўйича актив, пассив ёки ички ва ҳалқаро туризм, ҳар қил асосларга кўра туризм турли хилларга ажратилади: сафар мақсадлари бўйича; хизматларнинг ташкилий ва интенсивлиги тавсифи бўйича; турнинг давомийлиги бўйича; туристларнинг ёши бўйича; ҳаракатланиш воситаси бўйича; жойлаштириш тури бўйича; молиялаштириш шакли бўйича; туристик ресурслардан фойдаланиш хили бўйича бўлиши мумкин[4], деб ҳисоблайди.

Иқтисодиёт фанлари доктори Б.Х.Тураев “Организационно-экономические механизмы регионального туризма” номли монографиясида туризм тушунчасини бизнинг мамлакатимизда анчадан буён спорт ва соғлиқни мустаҳкамлаш тушунчаси, деб қаралган, яъни туризмни даромад келтирувчи иқтисодиётнинг тармоғи сифатида қаралмаганлигини ва бугунги шароитда туризм нафақат миллий иқтисодиётнинг тўлақонли тармоқлараро мажмуаси бўлиши лозим, балки ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг салмоқли элементларидан бири бўлиши керак, деб ҳисоблайди[5].

Профессор И.С.Тухлиев луғатида[6] Туризм – tourism – 1) жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) (ЎРнинг 20.08.1999 йилдаги “Туризм тўғрисида”ги Қонуни); 2) дам олиш, бизнес ва бошқа мақсадлар учун бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда ўз нормал муҳитидан ташқарида саёҳат қилган ва турадиган шахслар фаолиятини қамраб олади (БТТ таърифи). 3) бир сафар (ташриф), маълум мақсадлар учун одатдаги яшаш муҳитидан ташқаридаги жойгача бўлган шахснинг саёҳати; ташриф буюрувчилар ташриф буюрган пайтдан бошлаб доимий яшаш жойидан ташқарида ўтказадиган тадбирлар; саёҳат фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиш ҳамда саёҳат хизматлари пакетини амалга ошириш билан боғлиқ хизматларни меҳмонларга тақдим этиш учун тадбиркорлик фаолияти.

Б.Ш.Сафаров номзодлик диссертациясида ҳозирги пайтда туризмга уч хилдаги умумий таъриф берилмоқда, деган фикрни келтиради. Биринчиси, тор маънодаги таъриф бўлиб, унга биноан бу тушунча туристик корхоналар фаолияти билан чегараланади. Иккинчиси, бир ёқлама истеъмолчига қаратилган бўлиб, бу таърифта асосан туризм фаолияти доимий истиқомат қилиш жойидан ташқарида ва ишлаб чиқариш ташвишларидан холи ҳолатда хизмат ва товарларни истеъмол қилиш жараёни сифатида тушунилади. Учинчисига, кўра эса, туризм тушунчаси жамиятда инсонларнинг истиқомат қилиш жойидан ташқарида бўш вақтидан фойдаланиши ва бунинг учун зарур бўлган хизмат ва товарлар турларини қайта ишлаш шартлари билан боғлиқ бўлган муносабатлар мажмуасини ифодалади[7].

М.Т.Алимованинг докторлик диссертациясида туризм – бу элементлар ўзаро полииерархик алоқалар ва муносабатлар тизими орқали боғланган, пировард натижаларга эришишда бевосита ташриф буюрувчиларнинг иштироки билан тавсифланадиган, тармоқлараро мажмуанинг кўп қиррали функционал тузилмаси негизида шаклландиган ҳамда ташқи муҳит ўзгаришига юқори таъсирчанликка эга очиқ мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимдир [8], деган фикр берилган.

“Экотуризм” тушунчаси ва унинг тизимларининг мазмуни ва моҳиятини илмий асосланган ҳолда аниқлаш мазкур тадқиқотнинг асосий масалалари қаторига киради. Махсус адабиётларда “экотуризм” ва унинг тизими тушунчаларига берилган мавжуд таърифлар хилма-хил бўлиб, бу ҳолат экотуризм йўналиши шаклланиш босқичида турганлиги билан боғлиқдир. Лекин мазкур тушунчанинг аниқ таърифи йўқлиги уни ривожлантиришни бошқариш ва экотуристлар оқими ҳажмини баҳолашда, умуман амалиётда муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда, аниқ статистик маълумотлар олишга тўсиқ бўлмоқда.

“Экотуризм” атамасини дастлаб олимлар эмас, балки маркетинглар тақлиф этишган ва у табиатга сайру саёҳат қилиш хоҳишига эга бўлган туристларнинг эҳтиёжи таъсири натижасида пайдо бўлган.

Иқтисодиёт фанлари доктори О.Х.Хамидов экотуризм – туризм индустриясининг узвий боғлиқ бўлган яхлит ва тизимли таркибий қисми сифатида бошқариладиган ихтисослашган соҳаси бўлиб, у экологик маърифат, табиатни ўрганиш, экологик маданият савиясини ошириш, жонли ва жонсиз табиат, айниқса набодот ва ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг нафосатли ландшафтларини кузатиш, томоша қилиш, табиат воситалари ёрдамида завқ ва шифо олиш, жисмоний

камолотга эришиш, экотизимларни сақлаб қолишга ҳисса қўшиш, айна вақтда тегишли даромад олиш, маҳаллий аҳоли манфаатларини хурмат қилиш, фаровонлигини ошириш мақсадларида табиат ва жамият рекреация ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган туризм турлари ва рекреация фаолияти машғулотлари, уларни бошқариш мажмуаси, деб ҳисоблайди.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли, қиёсий ва омилли таҳлил, илмий абст-

ракция, социологик сўров ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Самарадорлик кўрсаткичи туристик маҳсулотга нисбатан қўлланилганда уни ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча таркибий босқичларини қамраб олади. Барча босқичларда туристик хизматларнинг амал қилишидан олинадиган самарани икки жиҳатдан кўриш мумкин бу ишлаб чиқиш ва истеъмол қилиш томонидан. Ҳар бир жиҳатини баҳолаш ва уларнинг қисқа мазмуни 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Экотуристтик хизматлар фаолиятидан олинган самарани баҳолаш**

Экотуристтик хизматлар субъектлари	Ижтимоий самара	Бевосита иқтисодий самара	Билвосита иқтисодий самара
Ишлаб чиқувчилар (туристик фирмалар, туроператорлар)	Аҳолининг экологик маданиятини ва турмуш даражасини яхшилаш, иш билан бандлар сонининг ўсиши	Экотуристтик хизматлар ва товарлар харид қилишда турист томонидан қилинадиган харажатларнинг ўсиши	Экотуризм билан боғлиқ бўлган турдош тармоқлардан келган қўшимча даромадлар натижасида барча даражадаги бюджет даромадларининг ўсиши
Истеъмолчи туристлар	Соғлиғини яхшилаш, меҳнат қобилиятининг ошиши, маданий эҳтиёжларини ва маънавий қизиқишларининг қондирилиши	Меҳнат унумдор лигининг ошиши натижасида иш ҳақининг ўсиши	Корхона ва худуд даражасидаги хўжалик фаолияти кўрсаткичларининг яхшиланиши

*Манба:* муаллиф томонидан тайёрланди.

Аммо, шуни таъкидлаш керакки, тадқиқ қилинадиган самара кўрсаткичини баҳолашда асосий эътибор экотуристтик хизматларни ишлаб чиқувчи нуқтаи назаридан самарадорликни ўрганишга қаратилди. Бу самарадорлик туристик индустрия ва у билан турдош бўлган тармоқларнинг ривожланиши билан, туристик марказларда ижтимоий ва ишлаб чиқиш инфратузилманинг кенгайиши, янги иш жойларини яратиш ва маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий тавсифини ифодалайди.

Туристтик-рекреацион хизматларнинг самарадорлигини баҳолашда ташриф буюрувчи томонидан ёки унинг номидан саёҳат жойига бориш вақтида (ёки ташриф вақтида) ва уларга тайёргарлик кўришда амалга оширилган харажатларни қамраб олувчи “туристик харажатлар” кўрсаткичи хизмат қилади. Туристлар харажатлари тўғрисидаги маълумотлар йиғиладиган ва таҳлил қилинадиган базавий омиллар қуйидагилардан иборат бўлади:

- таркибий элементларга ажратмасдан ягона нарх бўйича реализация қилинадиган хизматлар йиғиндисини акс эттирувчи мажмуали турлар қиймати;

- туристларнинг тур баҳосига кирмайдиган, рекреацион, спорт ва маданий тадбирлар, бозор ва дўконларга ташрифлар, бошқа моддалар (суғурта тўловлари, комиссия йиғинлар, фотоплёнкаларни қайта ишлаш ва фотосуратларни чоп этиш) харажатлари.

Билвосита таъсир туристларнинг маълум бир вақтда ва маълум бир жойда товарлар ҳамда хизматлар харидига харажатларнинг такрорланиш самарасида акс эттирилади. Бу жараёнда олинаётган самара эса “мультипликация самараси” ҳисобланиб худудда туристик харажатлар айланишига ва такрорланишига боғлиқ равишда кучга киради.

Тадқиқотимизда туризм самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлашда “туризм” ва “экотуризм” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини аниқлаб олиш лозим бўлди.

Бизнингча “туризм” тушунчаси тўлов қобилиятига эга мижозни мамлакатга келишини таъминлаб, уни маҳаллий хизмат кўрсатиш индустрияси қўлига топширади. Бу ерда туризм асосий ташкилотчи сифатида иштирок этиб, даромаднинг кичик бир қисмигагина компенсация сифатида эга бўлади. Иқтисодий даромадларнинг катта қисми эса миллий иқтисодиётнинг



бошқа тармоқларида намоён бўлиб, уларда туристик харажатлардан келиб чиқадиган даромадлилик сегментларини яратади. Бу ерда туризмдан келувчи пул оқимларини ҳудуддаги ўз маҳсулотлари реализациясидан шаклланган пул оқимларидан фарқлаш керак, чунки кейингиси ҳудуд ичида капитал ўсишга олиб келмайди.

Туристтик саёҳатларнинг турли мақсадларда амалга оширилиши туризм турларининг кўп хиллигини асослайди: экологик, рекреацион, тарихий, соғломлаштириш, танишув, спорт, бизнес-туризм, конгресс туризми ва бошқалар.

Немис футурологи 1980 йилда Роберт Юнг “**юмшоқ туризм**”[9] тушунчасини, 1983 йилда мексикалик иқтисодчи-эколог Гектор Цебаллос-Ласкурейн “**экотуризм**” тушунчасини киритишган[10].

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (ХТМҚИ) **экотуризм деганда** “нисбатан бузилмаган табиий ҳудудларга ўрганиш ва маданий объектлардан баҳраманд бўлиш учун атроф-муҳитга зиён етказмаган ҳолда маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаол иштирокини ва уларнинг ушбу фаолиятдан наф олишларини таъминловчи саёҳатини”[11] тушунади.

Ўзбекистон Республикасининг экотуризмни ривожлантириш Концепциясида – экотуризм деганда нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндиси тушунилади.

“Экологик туризм ёки экотуризм – табиатдаги ва диққатга сазовор жойлардан баҳраманд бўлиш ва ўрганиш мақсадида саёҳат қилиш бўлиб, табиатни муҳофаза қилишда фаол ҳамкорлик, атроф-муҳитга эҳтиёткорона ёндашишда маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлиги ҳамда ушбу ҳамкорлик натижасида устунликка эришишни кўзда тутати”[12].

“Экотуризм – бу атроф муҳитини муҳофаза қилиш ва маҳаллий аҳолининг фаровонлигини таъминлашда ҳамкорлик қилишни кўзда тутувчи табиий ҳудудларга уюштирилган оқилона саёҳатдир”[13].

“Экотуризм – мазкур жойнинг табиий ва маданий-этнографик хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш мақсадида табиат кўйнига уюштирилган фаолият бўлиб, табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш экотизимнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ва маҳаллий аҳоли учун макул бўлган, фойдали муносабатларни шакллантиради”.

Илмий адабиётларда экотуризм атамаси ўрнига бошқа атамалар, яъни “табиий” туризм, “юмшоқ” туризм, “яшил” туризм, “маъсулиятли”

туризм ва хайрия туризми кабиларни ишлатишади. Туризмнинг бундай турлари учун баъзи унсурлар бир хил бўлса ҳам бу атамалар бир-бирининг синоними ҳисобланмайди ва бири иккинчисининг ўрнини эгалламайди.

Бугунги кунда “экотуризм” мазмунига кенгроқ таъриф берадиган бўлсак, минтақада яшовчи кўпчилик аҳолининг онгини экотуризм талабларига мослаштириш масалалари деб қарашимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, табиий бойликга зарар етказмаган ҳолда туристик фаолиятни ривожлантиришнинг оптимал технологиясини аста-секин шакллантириш имконини яратади. Экотуризмга бўлган қизиқиш ҳақиқий туристик тажрибага талаб ошиб бораётгани ҳамда табиатни қўриқлашга қизиқиш кучаяётгани туфайли пайдо бўлди. У туризмнинг табиий, маданий ва ижтимоий қадриятлар билан мослашадиган ҳамда маданият ва табиатнинг табиий муҳитида бир-бирига уйғунлашувини тарғиб қиладиган турларини ўз ичига олади.

Атроф муҳитнинг жорий ҳолати таҳлили, глобал ва минтақавий экологик муаммолар, янги экологик хавф-хатарлар Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий жараённинг ажралмас қисми ҳисобланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармонида асосан “Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” ишлаб чиқилди. Концепциянинг амалга оширилиши натижасида кутилаётган натижалар 2030 йилда қуйидагилардан иборат:

- Орол денгизининг қуриган тубининг Ўзбекистондаги қисмида ўрмонзорлар майдонини унинг жами ҳудудига нисбатан 60 фоизгача етказиш;
- қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини йўқотишни 10 фоизга камайтириш;
- қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини (солиштирма гектарга нисбатан) 15 фоизга камайтириш;
- оқава сувларини тозалаш самарадорлигини 80 фоизгача ошириш;
- атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини 10 фоизга камайтириш;
- транспорт воситаларининг 80 фоизини газ-баллон ёқилғиси ва электр энергиясида ишлашга ўтказиш;
- ўрмонзорлар билан қопланган ўрмон фонди ҳудудини 4,5 млн гектаргача кенгайтириш;
- IV тоифадаги қўриқланадиган табиий ҳудудлар майдонини 12 фоизгача кенгайтириш;


- қизил китобга киритилган ва питомникларда парвариш қилинган чиройли тувалоқларни табиатга қўйиб юборишни йилига 4000 гача кўпайтириш;

- аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш хизматлари билан 100 фоиз қамраб олиш;

- ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 65 фоизгача кўпайтириш;

- алоҳида хусусиятга эга чиқиндилар (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатиб бўлинган мойлар, қадоқлар чиқиндилари ва бошқалар) ни қайта ишлаш ҳажмини 30 фоизгача кўпайтириш кутилмоқда.

Экотуризмга берилган кўплаб таърифларни иккита гуруҳга ажратиш мумкин (1-расм).



1-расм. Экотуризмга берилган таърифларнинг гуруҳланиши

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бизнингча экотуризм - атроф-муҳитга таъсири, истеъмолни ва харажатларни минималлаштириш ва маҳаллий даражага қаратилган ёввойи табиатда яшаш ва уни билишга қаратилган табиат туризмнинг экологик барқарор шакли ҳисобланади. Одатда, туризмнинг ушбу шакли ҳимояланган ҳудудларда ривожланади ва ушбу ҳудудларни сақлашга ҳисса қўшиш учун мўлжалланган бўлади. Экотуризм тизими асосида туристик фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган тамойиллар ётади. Булар: билимни оширадиган ёки саргузашт сайёҳатлари (пиёда, отда, сувда, тоғда, сайр ва ҳоказо), талабалар таътиллари, илмий турлар ва экспедициялар, дам олиш кунли экскурсиялари, ёзги болалар лагерлари ва ҳоказо.

**Хулоса ва таклифлар.** Туризмнинг аксарият турлари ривожланаётган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади, лекин кўпинча атроф-муҳит ва антропоген муаммоларга олиб келади. Экотуризм туризмнинг экологик, ижтимоий-маданий ва иқтисодий таъсирлари мувозанатида ифода-

ланадиган табиий ҳудудларнинг барқарор ривожланишига ижобий таъсири билан бошқа шакллардан сезиларли даражада фарқ қилади.

Тадқиқот натижасида экотуризмнинг қуйидаги муҳим таркибий қисмлари аниқланди:

- туристик таълим, яъни сайёҳларнинг билим ва кўникмаларини кенгайтиришга қаратилган табиатнинг диққатга сазовор бўлган туристик маҳсулотларини яратиш;

- маршрутда ресурслардан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни, сайёҳлар ва сайёҳлик операторларини ёввойи табиатни муҳофаза қилиш кампанияларида иштирок этишини назарда тутадиган экотуризмларни сақлаш;

- маҳаллий жамоаларнинг урф-одатларини ҳурмат қилиш, маданиятлараро алмашувга имкон яратади.

Туризм самарадорлигини оширишда экотуризм табиий ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, бугунги кунда сайёҳлик, маданият ва экология манфаатларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган мураккаб жараён эканлиги аниқланди.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон
2. Welford Richard. *Environmental Strategy & Sustainable Development*. –Routledge, 2006. -353 p.
3. Чудновский А.Д., Жукова М.А. *Управление индустрией туризма России в современных условиях: учебное пособие* - М.: КНОРУС, 2007. с. 17.
4. Абдурахмонов К.Х. *Менежмент туризма: Учебное пособие*. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.- 25 с.

5. Тураев Б.Т. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. Т.: "Фан" АНРУз. 2009., 7.,17. ст.
6. Туризм соҳасининг замонавий атамалари изоҳли луғати: маълумотлар тўплами /И.С.Тухлиев ва бош.. – Т.: "Фан ва технология", 2019, 182 бет.
7. Сафаров Б. Ш. "Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш" мавзусидаги номзодлик диссертацияси. 2011. 21 б.
8. Алимова М. Т. "Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида)" докторлик диссертацияси. 2017 й.
9. Сапунова В.Б. Туризм: эволюция, структура, маркетинг. Изд. «Ось-89», 1997.
10. Ceballos-Lascurain, 1996
11. Ceballos-Lascurain, 1993a
12. [Международный Союз охраны природы.](#)
13. <https://ru.wikipedia.org/wiki/> – The International Ecotourism Society.
14. Abdukhamidov, S., Makhmudova, A., Mukhamadiev, A. (2022). Development of Tourist Routes and the Formation of Attractive Tourist Products. *Journal of Ethics and Diversity in International Communication*, 2(3), 129-132.
15. Abdukhamidov, A. S., Makhmudova, A. P. (2022). Creating a 3d model of buddhist monuments and developing their interactive maps. *Builders Of The Future*, 2(02), 23-30.
16. Makhmudova, A. (2018). Ensuring the competitiveness of the scientific approaches of eco-tourism a case of Uzbekistan. *South Asian Journal of Marketing and Management Research*, 8(11), 33-41.